

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВ ЭЛЁРБЕК ҒАЙРАТОВИЧ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАБИАТИДАН РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ
МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махкамов Элёрбек Гайратович

Фарғона вилояти табиатидан рекреация ва туризм мақсадида

фойдаланишнинг географик асослари 3

Махкамов Элёрбек Гайратович

Географические основы использование природой Ферганский области в

целях рекреация и туризма 21

Makhkamov Elyorbek Gayratovich

Geographical basis of the use from nature of Fergana region in the objectives of

recreation and tourism 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВ ЭЛЁРБЕК ҒАЙРАТОВИЧ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАБИАТИДАН РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ
МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Gr82 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аҳмадалиев Юсупжон Исмоилович**
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Турдимамбетов Изимбет Рахметович**
география фанлари доктори

Ибадуллаев Нурали Эшниязович
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “28” июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино 105 хона, тел.: (0366)239-16-36), факс: (0366)239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№55 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй.Тел: (+99866) 2391140.

Диссертация автореферати 2022 йил “15” июль куни тарқатилди.
(2022 йил “15”июлдаги 26 рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
г.ф.д., профессор

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, география
фанлари бўйича PhD

А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рекреацион-туристик фаолият иқтисодий ривожланиш ва янги иш ўринлари яратишда етакчи ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) ва Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WCTT) маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб туризм соҳасидаги иш ўринлари сони 350 млн.га етади. Бу 2015 йилга нисбатан 70 млн.га кўп ҳисобланади¹. Рекреация ва туризм соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса минтақаларнинг табиий, тарихий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни тақазо этади.

Дунёда рекреация ва туризм ҳеч қандай сиёсий, мафкуравий, географик ва маданий чегараларни билмайдиган глобал миқёсидаги фаолиятга айланди. Бугунги кунда рекреацион-туристик ресурслар ва ҳудуднинг рекреацион-туристик салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда ҳудудий ташкил этиш, комплекс баҳолаш асосида рекреация ва туризмни ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик шароитни рекреация ва туризм мақсадида баҳолаш, унинг турларини аниқлаш, районлаштириш, рекреацион-туристик имкониятларини ошириш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикада рекреация ва туризм соҳасига ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида қаралиб, уни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси 35-мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, минтақаларларнинг мавжуд табиий (рельеф, иқлим, ички сувлар), тарихий-маданий (ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, ҳунармандчилик), ижтимоий-иқтисодий (иқтисодий ва туристик инфратузилма), экологик (иқлимий дискомфортлик, ҳаво ва сувнинг ифлосланиш индекси) имкониятларини рекреация ва туризм мақсадларида баҳолаш ҳамда Фарғона вилояти мисолида рекреацион-туристик салоҳият типологиясини (энг юқори, юқори, ўрта, паст) ишлаб чиқиш ва ГАТ технологиясининг ArcGIS дастури асосида карталаштириш, ҳар бир тип учун рекреацион-туристик фаолиятни ривожлатиришга ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WCTT) маълумоти. <https://wtcc.org/Research/EconomicImpact>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонлари, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 559-сон «Тоғли ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармониغا 1-илова), 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармониغا 1-илова), шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рекреация ва туризмни географик жиҳатдан ўрганиш ва ривожлантиришнинг илмий услубий асослари, баҳолаш мезонлари ҳорижлик ва МДХ олимларидан Н. Robinson (1976), N. Leiper (1979, 1992), D. Getz (1986), S. Williams (1998, 2009), C. M. Hall, S. J. Page (2002), Charles R. Goeldner, J. R. Brent Ritchie (2009), Robert W. Wyllie (2011), R. W. Butler (2011), В. С. Преображенский (1972, 1975, 1986), Д. Л. Арманд (1975), Ю. А. Веденин (1982), Н. С. Мироненко (1981, 1998, 2006), Л. И. Мухина (1973), Н. А. Данилова (1988), К. Жумашев (1990), А. Г. Низамиев (1998), С. Р. Ердавлетов (2000), Л. Ю. Мажар (2008, 2009), В. И. Кружалин, Н. С. Мироненко, Н. В. Зигерн-Корн, Н. В. Шабалина (2014) ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида кенг ёритилган. Айни вақтда, республикамизда ҳам рекреация ва туризмнинг айрим муаммолари бўйича А. С. Солиев, Ҳ. Ваҳобов, А. Н. Нигматов, Н. Тўхлиев, Ф. Комилова, Н. Қ. Комилова, С. Б. Аббасов, А. Абдулқосимов, К. М. Боймирзаев, Б. Ш. Сафаров, Ю. И. Аҳмадалиев, М. Р. Усмонов, Н. Э. Ибадуллаев, Қ. С. Ярашев, О. И. Абдуғаниев каби тадқиқотчилар шуғулланишган.

Бундан ташқари, Н. Шамуратова, Б. Х. Камолов, Ш. Т. Якубжонова, Ш. Ф. Шомуродова, М. М. Маҳмудов, А. Р. Матназаров, Ш. А. Холмуродов, Ў. Б. Бадалов каби тадқиқотчилар томонидан рекреация ва туризм масалалари бўйича ҳудудларни тадқиқ этиш, етакчи йўналишларини янада

ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалалари кенг кўламда ва чуқур таҳлил этилган. Лекин табиий, табиий-тарихий, иқтисодий-ижтимоий имкониятлар, соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатларни комплекс баҳолаш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг умумий салоҳиятдаги улушини таҳлил қилиш, ҳар бир ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалалар тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7-29 рақамли «Фарғона водийси табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» (2015-2020 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилояти табиатининг рекреацион ва туристик имкониятларини аниқлаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рекреация ва туризмнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш, географик жиҳатларини таҳлил этиш ва уларни таснифлаш;

Фарғона вилоятида рекреация ва туризмнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ундан фойдаланишни географик жиҳатдан ўрганиш;

Фарғона вилоятининг табиий, табиий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланишни баҳолаш;

Фарғона вилояти рекреация ва туризмни ривожлантиришнинг истиқболларини географик жиҳатдан белгилаш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти ҳудуди ва унинг табиий, табиий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий шароити олинган.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона вилояти табиий, табиий-тарихий ва иқтисодий-ижтимоий шароитининг рекреацион-туристик имкониятларини тавсифлаш, баҳолаш ҳамда ундан фойдаланишни такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, дала тадқиқотлари, географик таққослаш, географик прогноз, статистик, математик моделлаштириш, картографик ва ГАТ ни қўллаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рекреацион-туристик салоҳиятни баҳолашнинг баланс усули ҳудуднинг табиий (рельеф, иқлим, ички сувлар), тарихий-маданий (ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, хунармандчилик), ижтимоий-иқтисодий (иқтисодий ва туристик инфратузилма), экологик (иқлимий дискомфортлик, ҳаво ва сувнинг ифлосланиш индекси) кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

Фарғона вилоятининг маъмурий бирликлари рекреацион-туристик салоҳиятини мажмуали баҳолаш асосидаги типологияси (энг юқори, юқори,

ўрта, паст) ишлаб чиқилган ва ГАТ технологиясининг ArcGIS дастури асосида карталаштирилган, ҳар бир тип учун рекреацион-туристик фаолиятни ривожлатиришга ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар аниқланган;

Фарғона вилоятида рекреацион-туристик фаолиятни ташкил этишни ландшафт-экологик (Сўх т., Фарғона т.) ҳамда табиий-тарихий (Кўқон ш., Марғилон ш., Риштон т.) асосларининг ҳудудий жиҳатлари эътиборга олиниб, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган;

Фарғона вилоятида рекреацион-туристик кластерлар яратишнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сервис географияси билан боғлиқ жиҳатлари аниқланган ҳамда ҳар бир маъмурий бирлик учун истиқболли янги туристик маршрутлар (бир ва кўп кунлик) ва уларнинг туроператорлар учун намунавий дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рекреация ва туризмнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ҳозирги ҳолати ўрганилган, географик жиҳатлари аниқланган ва улар таснифланган;

Фарғона вилоятида рекреация ва туризмнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ундан фойдаланишни географик жиҳатлари очиб берилган;

Фарғона вилоятининг геомажмуалари ва улардан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланиш баҳоланган;

Фарғона вилояти рекреация ва туризмини ривожлантиришнинг истиқболларини географик жиҳатдан белгилаш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси, Фарғона вилоятининг статистик ахборотномаси маълумотларидан фойдаланилгани билан белгиланади. Шунингдек, Фарғона вилоятида олиб борилган дала-тадқиқотлари асосида бажарилганлиги ҳамда тадқиқот натижасида яратилган карталар, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги илмий-назарий хулосалар, тавсиялар, картографик ва бошқа бирламчи материаллар, Фарғона вилояти табиатини рекреацион-туристик жиҳатдан тавсифлаш, баҳолаш ва районлаштириш методикасини янги усуллар ёрдамида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фарғона вилояти табиатининг рекреацион-туристик имкониятларини аниқлаш, баҳолаш, рекреацион-туристик фаолиятни янада ривожлантириш ва инфратузилма объектларини жойлаштиришда самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда Фарғона вилояти табиатини

рекреацион-туристик имкониятларини баҳолаш мезонидан келиб чиққан ҳолда янги сайёҳлик йўналишларини ташкил қилишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.

Фарғона вилояти табиатидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланиш ҳамда рекреацион-туристик салоҳиятини комплекс баҳолашнинг географик асослари ва уларни карталаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рекреацион-туристик салоҳиятни баҳолашнинг вилоят табиий (рельеф, иқлим, ички сувлар), тарихий-маданий (ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, ҳунармандчилик), ижтимоий-иқтисодий (иқтисодий ва туристик инфратузилма), экологик (иқлимий дискомфортлик, ҳаво ва сувнинг ифлосланиш индекси) кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган баланс усули Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 18-18/503-сон маълумотномаси). Натижада, Фарғона вилояти рекреацион-туристик салоҳиятини мажмуали (табиий, тарихий, иқтисодий, экологик) баҳолаш имконияти яратилган;

Фарғона вилоятининг маъмурий бирликлари рекреацион-туристик салоҳиятининг мажмуали баҳолаш асосидаги ишлаб чиқилган типологияси (энг юқори, юқори, ўрта, паст) ва ArcGIS дастури асосида ишлаб чиқилган карта-схемалардан Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 18-18/503-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятнинг ҳар бир маъмурий бирлигида рекреацион-туристик салоҳиятидан максимал фойдаланиш имконияти яратилган;

Фарғона вилоятида рекреацион-туристик фаолиятни ташкил этишни ландшафт-экологик (Сўх т., Фарғона т.) ҳамда табиий-тарихий (Кўқон ш., Марғилон ш., Риштон т.) асосларидан Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 18-18/503-сон маълумотномаси). Натижада, Фарғона вилоятининг ҳар бир маъмурий бирлиги бўйича асосий рекреацион-туристик йўналишларни илмий жиҳатдан асослаш имконини берган;

Фарғона вилоятида рекреацион-туристик кластерлар яратишнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сервис географияси билан боғлиқ жиҳатларидан Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида туман ва шаҳарлар учун истиқболли янги туристик маршрутлар ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 18-18/503-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятда 12 та янги истиқболли туристик маршрутлар (бир ва кўп кунлик) ва уларнинг намунавий дастурларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ақс этирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рекреация ва туризмни географик ўрганишнинг назарий ва методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида рекреация ва туризмни ривожлантиришда муайян принципларга амал қилиш зарурлигини назарда тутган ҳолда хорижий адабиётларда олимлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва қарашлар таҳлил қилинди.

Рекреацион-туристик фаолият ҳудудий аҳамиятга эга бўлиб, рекреация ва туризм турлари, табиий рекреацион ресурсларнинг ҳудудий хилма-хиллиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан мураккаб ўзаро боғлиқликка эга. Рекреацион-туристик жараёнларнинг ҳудудий ташкил этилиши кўп жиҳатдан батафсил кўриб чиқилишини талаб қилади. Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш имкониятлари мавжуд бўлган географик маконнинг бир қисми бўлиб рекреацион географик тадқиқотлар объекти бўлган рекреацион-туристик ҳудуд ҳисобланади.

Рекреацион-туристик фаолият узоқ вақт давомида рекреацион география ва туризм географияси фанларини шакллантирадиган ҳудудий субъектларининг мураккаб механизмлари билан боғлиқ бўлиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Натижада, концепциялар ва назариялар шаклланди, сайёҳлик фаолиятининг хилма-хил моделлари яратилди. Ҳозирги кунда фанда рекреацион-туристик ҳудуд, рекреацион-туристик тизим, рекреацион-туристик мажмуа, туристик-рекреацион объект, рекреацион-

туристик йўналишлар, рекреацион-туристик кластерлар каби атамалар оммалашиб бормоқда.

Рекреацион-туристик ҳудудда рекреация ва туризмни режалаштириш ва лойиҳалаштириш йўли билан рекреацион-туристик фаолиятни самарали ривожланишини таъминлаш мумкин. Рекреацион-туристик объект ва ҳудуднинг таърифларини таҳлил қилишда тадқиқотчилар турлича ёндашганлар. Н.С.Мироненконинг фикрига кўра, рекреацион фаолият ихтисослик соҳаси сифатида фаолият юритадиган жойга рекреацион ҳудуд дейиш мумкин. В.И.Кружалин фикрича, ҳудуд сайёҳлар учун маълум даражада жозибадор бўлиши керак, С.Р.Ердавлетов эса туристик ҳудуднинг ўзига хос муҳим туристик функцияси мавжудлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда рекреация ва туризмни географик тадқиқ қилишда рекреацион-туристик ресурс, рекреацион-туристик салоҳият каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда. *Рекреацион-туристик ресурс* деганда, рекреация ва туризм турларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин бўлган табиий шароит компонентлари, антропоген фаолият объектлари ва табиий жараёнлар тушунилади (Л.Ю.Мажар (2009 й). *Рекреацион-туристик салоҳият (РТС)* – рекреацион-туристик ресурслар, уларнинг ҳудудий бирикмалари ҳамда аҳолининг туризм ва рекреацияга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шароитлар йиғиндиси ҳисобланади.

РТСни баҳолаш асосан 4 та йўналишда олиб борилади: тиббий-биологик (физиологик), психологик-эстетик, технологик ва иқтисодий (Мироненко, Твердохлебов (1981й), Мухина (1973й)). Ушбу тадқиқотда юқоридаги йўналишларни умумлаштирувчи баҳолаш усули танланди. Тадқиқотнинг географик моҳиятидан келиб чиқиб, табиий омилларга эътибор берилди. Бироқ, баҳолаш натижаларидан амалиётда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун бошқа кўрсаткичлар ҳам ўрганилди.

Рекреация ва туризм салоҳиятини баҳолашда А.А.Григорьев (1966), М.И.Будико (1966), Д.Л.Арманд (1975), А.И.Зирянов, М.В.Гудковскихлар (2018) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда биз томонимиздан такомиллаштирилган баланс методидан фойдаланилди. Баланс методи қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1. Ҳудудий бирликни танлаш; 2. Асосий мезонларни белгилаш; 3. Баҳолаш шкаласини мослаштириш; 4. Умумий ва алоҳида натижаларни баҳолаш; 5. Натижаларни таҳлил қилиш; 6. Яқуний интеграл баҳолаш; 7. Рекреацион-туристик салоҳият даражасига кўра натижаларни таққослаш ва ҳудудни районлаштириш; 8. Ҳудуднинг рекреацион-туристик салоҳият картасини ишлаш.

Баланс методида РТСни баҳолашда бир хил аҳамиятга эга бўлган қуйидаги баҳолаш блоклари ажратилади: табиий омиллар, тарихий-маданий омиллар, иқтисодий-ижтимоий омиллар, туристик блок, экологик вазият ва салбий омиллар. Баланс методида РТС қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$РТС = (Т+ТМ+ИИ+ТБ) - (Э+С) \quad (1)$$

Баланснинг кирим қисми: *Т* - табиий омиллар, *ТМ* - тарихий-маданий омиллар, *ИИ* - иқтисодий-ижтимоий омиллар, *ТБ* - туристик блок.

Балансинг чиқим қисми: Э - экологик вазият, С - салбий омиллар.

Блоклар баллар бўйича таққосланмайди, чунки уларнинг ҳар бирида параметрлар сони ҳар хил бўлади. Натижаларнинг ўзаро нисбати ҳар бир районнинг блокдаги улушини ҳисоблаш йўли билан олинади ва баланс усули билан РТСнинг якуний шакли аниқланади. Интеграл баҳолаш мавзули баҳолашлар учун дастлабки босқич бўлиб ҳизмат қилади, асосийси, ҳудуднинг умумий қиёсий тавсифи республика, минтақа ва маҳаллий даражада туризм ва рекреацияни тўғри ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Юқорида келтирилган 1-формулага мувофиқ интеграл салоҳият ҳисоблаб чиқилади. Блокларнинг ҳар бири тенг бўлиб, чиқарилган сумма 100% га тенглаштирилади. Шундай қилиб, умумий натижа қуйидаги кўринишда бўлади: $(100\%T + 100\%TM + 100\%ИИ + 100\%ТБ) - (100\%Э + 100\%С) = 200\%$. Ҳар бир тумanning 100% га нисбатан РТСдаги улуши аниқланади.

Минтақанинг рекреацион-туристик салоҳиятини баҳолаш усуллари Фарғона вилоятидаги маҳаллий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ГАТ технологиясини қўллаш асосида такомиллаштирилди.

Диссертациянинг **“Фарғона вилоятининг рекреация ва туризм салоҳиятини баҳолаш мезонлари”** деб номланган иккинчи бобида табиий шароит, рельефнинг контрастлиги, иқлимий шароит ва гидрологик объектларни рекреацион-туристик баҳолаш усулларига тавсиф берилган ва таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, рекреацион-туристик фаолиятни самарали ташкил этишда ҳудуднинг тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, рекреацион-туристик объектларнинг мавжудлиги, табиий шароити ва ресурслари, географик ўрнини ҳисобга олиш, рекреация ва туризм талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, геокомплексларнинг рекреация ва туризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражасини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқ қилинган.


Рекреацион-туристик типларга ажратиш хилма-хил омиллар (табиий, иқтисодий, экологик-физиологик, тарихий, аграр иқтисодиёт ва бошқалар)ни ҳисобга олишни талаб қилади. Бундай районлаштириш ёки типологиялаштириш турли ҳудудларда мавжуд салоҳият ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш, уларда рекреация ва туризмни мақсадга мувофиқ ташкил этишни назарда тутди. Ҳудудларнинг рекреацион-туристик салоҳиятини баҳолаш асосида турли хусусиятларга эга бўлган ҳудудлар ажратилади.

Рекреация ва туризмнинг географик моҳиятини тадқиқ этишда ресурсларга асосланган ёндашув кўп тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган ҳамда унинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилган. Ўз навбатида шуни айтиш лозимки, туризм ва рекреациянинг ривожланиш даражаси ресурслар хилма-хиллигига боғлиқдир.

Рекреацион-туристик салоҳиятни баҳолашнинг баланс усули минтақаларнинг табиий (рельеф, иқлим, ички сувлар, ландшафт, МЭТХ), тарихий-маданий (тарихий ва маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар,

ҳунармандчилик марказлари), иқтисодий-ижтимоий (иқтисодий ва туристик инфратузилма, мавжуд рекреацион-туристик маршрутлар ҳолати), экологик ва салбий (ҳаво ва сувнинг ифлосланиш индекси, иқлимий дискомфортлик, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ноқулайликлар) кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди. Бу эса ҳар бир ҳудуд бўйича асосланган тематик рекреацион-туристик йўналишлар ва уларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришни кафолатлайди.

Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳиятини мавзули ва мажмуали баҳолаш асосида вилоят маъмурий бирликларининг хусусий (табiiй, тарихий-маданий, иқтисодий-ижтимоий) ва умумий типологияси (энг юқори, юқори, ўрта, паст) ажратилди.




1-расм. Фарғона вилояти маъмурий бирликларида рекреацион-туристик салоҳиятининг табiiй омиллар блоки миқдори ва таркиби

Фарғона вилоятининг табiiй рекреацион-туристик салоҳиятини баҳолаш натижасига кўра маъмурий-худудий бирликлар энг юқори, юқори, ўрта, паст кўрсаткичли гуруҳларга ажратилди (1, 2-расм):

- энг юқори – Фарғона т., Сўх т., Бешариқ т.;
- юқори – Қува т., Ўзбекистон т., Ёзвон т., Қувасой ш., Данғара т.;
- ўрта – Олтиариқ т., Қўштепа т., Риштон т., Учкўприк т., Бувайда т.;
- паст – Бағдод т., Фурқат т., Тошлоқ т., Қўқон ш., Марғилон ш., Фарғона ш.

Фарғона вилоятининг тарихий-маданий, иқтисодий-ижтимоий, экологик ва салбий омиллар блоклари бўйича ҳам алоҳида маъмурий бирликларнинг типологияси (энг юқори, юқори, ўрта, паст) ажратилган ва ҳар бири учун карта-схема тайёрланган.

Фаргона вилоятининг табиий туристик-рекреацион салоҳияти



2-расм. Фаргона вилоятининг табиий туристик-рекреацион салоҳияти карта-схемаси

Диссертациянинг “**Фарғона вилоятида рекреация ва туризм фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида Фарғона вилоятини рекреацион-туристик типларга ажратиш ва улардан туристик мақсадларда фойдаланиш, туристик маршрутларни ташкил этиш ва карталаштириш хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Фарғона вилоятининг туристик-рекреацион салоҳияти маъмурий-худудий бирликлар асосида таҳлил қилинди, кучли ва кучсиз томонлари ўрганилди ҳамда истиқболли мақсадли дастури ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

Фарғона вилояти рекреацион-туристик салоҳияти 6 та (табиий омиллар, тарихий-маданий омиллар, ижтимоий-иқтисодий омиллар, туристик блок, экологик вазият ва салбий омиллар) блок асосида 117 та кўрсаткич бўйича баҳоланди. Ҳар бир маъмурий-худудий бирликнинг Фарғона вилояти рекреацион-туристик салоҳиятидаги ўрни ва аҳамияти аниқланди (1-жадвал, 3-расм).

Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳиятини умумий баҳолаш натижасига кўра маъмурий-худудий бирликлар 4 та гуруҳга ажратилди:

- энг юқори - Фарғона т.;
- юқори – Марғилон ш., Кўкон ш., Сўх т., Фарғона ш., Қува т.;
- ўрта – Бешариқ т., Бувайда т., Риштон т., Қўштепа т., Ёзьявон т., Қувасой ш., Олтиариқ т.;
- паст – Учкўприк т., Данғара т., Бағдод т., Тошлоқ т., Ўзбекистон т., Фурқат т.


Фарғона вилоятида энг юқори рекреацион-туристик салоҳиятга эга бўлган Фарғона тумани кўрсаткичлари юқорида келтирилган формула ёрдамида қуйидагича ҳисобланди (% ҳисобида):

$$10,3 = \frac{(8,01 + 6,42 + 5,5 + 7,82) - (1,85 + 5,38)}{2}$$

Фарғона вилояти табиий шароити, Ўрта Осиё худудидаги деярли барча табиат кўринишларининг вилоятда учраши унинг рекреацион-туристик салоҳиятининг хилма-хиллигини ва доимий ташкил этиш имкониятини яратади. Фарғона вилоятида рекреацион-туристик салоҳиятни ландшафт-экологик кўрсаткичлари юқори бўлган (Сўх т., Фарғона т.) ҳамда табиий-тарихий туристик-рекреацион салоҳиятни юқори бўлган (Кўкон ш., Марғилон ш., Риштон т.) худудлар учун қўшимча рекреацион-туристик маршрутлар ташкил этилди ва мавжудларидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятлари аниқланди.

Фарғона тумани бўйича 3 та: Фарғона-Саткак-Чимён, Фарғона-Водил-Шоҳимардон-Ёрдон, Фарғона-Аввал-Еттибулоқ рекреацион-туристик маршрутлари ишлаб чиқилди (4-расм).

Фаргона туманининг туристик-рекреацион карта-схемаси



ШАРТИЙ БЕЛГЛАР

Аҳоли пунктлари	Туристтик-рекреацион объектлар
● -Вилоят маркази	● Туристтик-рекреацион зоналар
○ -Туман марказлари	▲ Курорт ва санаторийлар
○ -Шаҳар ва кishлоклар	✿ Ёғ ва парكلар
Чегаралар	■ Музейлар
— -Давлат чегаралари	● Гидрологик объектлар
— -Вилоят чегаралари	● Геоморфологик объектлар
— -Туман чегаралари	● Ботаник объектлар
— Автомобил йўллари	● Нобъ ландшафт яратмалари
— Дарё ва сойлар	● Тарихий ва диний объектлар
	Туристтик-рекреацион маршрутлар
 -Фаргона-Саткак-Ишён
 -Фаргона-Водил-Шоҳмардон-Ердон
 -Фаргона-Аввал-Еттибўлак

масштаб: 1 : 750 000

4-расм. Фаргона тумани туристик-рекреацион карта-схемаси

1-жадвал

Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳияти (% ҳисобида)

№	Туман ва шаҳар	Т	ТМ	ИИ	ТБ	Кирим	Э	С	Чиқим	Жами	Улуш
1	Фарғона т.	8,01	6,42	5,5	7,82	27,73	1,85	5,38	7,23	20,5	10,3
2	Марғилон ш.	3,71	9,70	6,7	5,25	25,38	5,56	4,23	9,79	15,59	7,8
3	Кўқон ш.	3,77	10,00	7,3	5,72	26,83	7,41	4,81	12,22	14,61	7,3
4	Сўх т.	7,00	3,63	4,1	4,55	19,27	1,85	4,42	6,27	13	6,5
5	Қува т.	6,04	5,31	5,3	7,00	23,68	5,56	5,38	10,94	12,74	6,4
6	Фарғона ш.	3,71	6,70	7,7	5,83	23,93	7,41	4,05	11,46	12,47	6,2
7	Бешариқ т.	6,63	5,73	4,5	5,48	22,37	5,56	5,77	11,33	11,04	5,5
8	Бувайда т.	4,60	5,45	5,0	5,25	20,27	3,70	5,58	9,28	10,99	5,5
9	Риштон т.	5,02	5,59	5,1	5,60	21,31	5,54	5,19	10,73	10,58	5,3
10	Кўштепа т.	5,14	4,47	5,1	4,67	19,38	3,70	5,77	9,47	9,91	5,0
11	Ёзёвон т.	5,90	3,63	4,3	5,13	18,93	3,70	5,58	9,28	9,65	4,8
12	Қувасой ш.	5,80	3,77	5,2	6,42	21,23	7,41	4,81	12,22	9,01	4,5
13	Олтиариқ т.	5,31	4,89	5,2	5,13	20,57	7,41	5,19	12,6	7,97	4,0
14	Учкўприк т.	4,90	4,19	5,0	4,90	18,96	5,56	5,38	10,94	8,02	4,0
15	Бағдод т.	4,54	3,91	4,5	4,10	17,08	3,70	5,58	9,28	7,8	3,9
16	Данғара т.	5,70	3,63	4,8	4,90	19,01	5,56	5,77	11,33	7,68	3,8
17	Тошлоқ т.	4,12	6,28	5,3	4,43	20,16	7,41	5,38	12,79	7,37	3,7
18	Ўзбекистон т.	5,97	3,63	5,1	4,32	19,02	7,41	5,38	12,79	6,23	3,1
19	Фурқат т.	4,13	3,07	4,2	3,50	14,89	3,70	6,35	10,05	4,84	2,4
	Жами	100	100	100	100	400	100	100	200	200	100

* - жадвал муаллиф томонидан ҳисобланган.

Унда рекреацион-туристик объектлар ва истиқболли янги туристик маршрутлар (бир ва кўп кунлик) берилган. Ҳар бир рекреацион-туристик объект (манзили, тавсифи, ташкил этиш мумкин бўлган туристик-рекреацион йўналишлар) ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган туманнинг рекреацион-туристик паспорти ишлаб чиқилди. Мазкур карта-схема ва паспорт андозаси асосида бошқа маъмурий бирликлар учун ҳам рекреацион-туристик объектлар тизимини такомиллаштириш ва янги маршрутлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Фарғона вилояти табиатидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланишнинг географик асослари бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Рекреация ва туризмнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари бўйича МДХ ва хорижий давлатларда, республикада олиб борилган тадқиқотлар табиий, тарихий, иқтисодий-ижтимоий географик, геоэкологик жиҳатдан таҳлил қилинди ҳамда рекреацион-туристик ресурс, рекреацион-туристик салоҳият тушунчалари ўрганилди. Бу эса рекреацион-туристик тизимларни минтақавий ривожлантиришда ва рекреацион-туристик салоҳиятни баҳолашда интеграциялашган ёндашувнинг зарурлигини асослаш имконини берди;

2. Рекреацион-туристик салоҳиятни баҳолашнинг баланс усули минтақаларнинг табиий (релъеф, иқлим, ички сувлар, ландшафт, МЭТХ), тарихий-маданий (тарихий ва маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, ҳунармандчилик марказлари), ижтимоий-иқтисодий (иқтисодий ва туристик инфратузилма, мавжуд рекреацион-туристик маршрутлар ҳолати), экологик ва салбий (ҳаво ва сувнинг ифлосланиш индекси, иқлимий дискомфортлик, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ноқулайликлар) кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди. Бу эса ҳар бир ҳудуд бўйича асосланган тематик рекреацион-туристик йўналишлар ва уларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришни кафолатлайди;

3. Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳиятини мавзули ва мажмуали баҳолаш асосида вилоят маъмурий бирликларининг хусусий (табиий, тарихий-маданий, иқтисодий-ижтимоий) ва умумий типологияси (энг юқори, юқори, ўрта, паст) ажратилди. Бундай баҳолаш усули ёрдамида ҳар бир типологиянинг ўзига хос имконияти бўйича аниқланган рекреацион-туристик салоҳияти натижаларидан соҳани ривожлантиришга қаратилган истиқболли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин;

4. Тадқиқот натижалари асосида ArcGIS дастури асосида 1:750000 масштабда “Фарғона вилоятининг табиий рекреацион-туристик салоҳияти”, “Фарғона вилоятининг маданий рекреацион-туристик салоҳияти”, “Фарғона вилоятининг иқтисодий рекреацион-туристик салоҳияти”, “Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳияти” карта-схемалари яратилди. Улардан фойдаланган ҳолда ҳар бир маъмурий бирлик бўйича рекреацион-туристик фаолият турларини белгилаш ва унинг асосида рекреацион-туристик йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

5. Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик салоҳияти маъмурий-ҳудудий бирликлар асосида таҳлил қилинди, ҳар бир маъмурий бирлик учун рекреацион-туристик салоҳиятнинг юқори ва паст кўрсаткичга эга бўлган турлари аниқланди. Ҳудудий бирликларда рекреацион-туристик фаолиятни йўлга қўйишда ҳамда истиқболли мақсадли дастурини юқоридаги кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди;

6. Фарғона вилоятида рекреацион-туристик салоҳиятни ландшафт-экологик кўрсаткичлари юқори бўлган (Сўх т., Фарғона т.) ҳамда табиий-тарихий рекреацион-туристик салоҳиятни юқори бўлган (Кўқон ш., Марғилон ш., Риштон т.) ҳудудлар учун қўшимча туристик-рекреацион маршрутлар ташкил этилди ва мавжудларидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятлари аниқланди;

7. Фарғона вилоятининг рекреацион-туристик соҳадаги салоҳияти ва брендини, республика ва халқаро даражадаги ўрнини кўтариш учун ҳар бир маъмурий бирликлар имкониятидан фойдаланиш лозим. Шунинг учун, вилоят рекреацион-туристик салоҳиятидаги улуши энг паст бўлган маъмурий бирликларни (Олтиариқ т., Данғара т., Тошлоқ т., Учкўприк т., Бағдод т., Ўзбекистон т., Фурқат т.) ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, агротуризм, гастрономик туризм, спорт-соғломлаштириш туризми, шоп туризм,

этнографик туризм каби турларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди;

8. ArcGIS дастури асосида 1:750000 масштабда “Фарғона туманининг рекреацион-туристик карта-схемаси” яратилди. Унда рекреацион-туристик объектлар ва истиқболли янги туристик маршрутлар (бир ва кўп кунлик) берилган. Ҳар бир рекреацион-туристик объект (манзили, тавсифи, ташкил этиш мумкин бўлган рекреацион-туристик йўналишлар) ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган туманининг рекреацион-туристик паспорти ишлаб чиқилди. Мазкур карта-схема ва паспорт андозаси асосида бошқа маъмурий birlikлар учун ҳам рекреацион-туристик объектлар тизимини такомиллаштириш ва янги маршрутлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ШАРАФА РАШИДОВА**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАХКАМОВ ЭЛЁРБЕК ГАЙРАТОВИЧ

**ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДОЙ
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ В ЦЕЛЯХ РЕКРЕАЦИИ И ТУРИЗМА**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2019.1.PhD/Gr82.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Ахмадалиев Юсупжон Исмоилович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: Турдимамбетов Изимбет Рахметович
доктор географических наук

Ибадуллаев Нурали Эшниязович
кандидат экономических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится 28 июля 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете имени Шарафа Рашидова (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15, главный корпус Самаркандского государственного университета, комната 105. Тел.: (+99866) 239-1636, факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за №55). Адрес: г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (+99866) 239 11 40.

Автореферат диссертации разослан «15» июля 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № 26 от «15» июля 2022 года)

С.Б.Аббасов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD

А.Абдулкасимов

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире рекреационно-туристическая деятельность является одной из ведущих и динамично развивающихся сфер экономического развития и создания новых рабочих мест. По данным Всемирной туристской организации (ВТО при ООН) и Всемирного совета по путешествиям и туризму (ВСПТ), к 2025 году количество рабочих мест в сфере туризма составит 350 млн человек. Это на 70 млн больше, чем в 2015 году¹. Важное значение имеет повышение экономического и социального потенциала регионов за счет развития рекреационной и туристической сферы. Это обуславливает необходимость исследований по разработке географических основ использования природных, исторических, экономических и социальных возможностей регионов в рекреационных и туристических целях.

В мире рекреация и туризм стали деятельностью мирового масштаба, не знающей никаких политических, идеологических, географических и культурных границ. Сегодня особое внимание уделяется научным исследованиям по использованию рекреационно-туристских ресурсов и рекреационно-туристского потенциала территории и созданию перспективных программ развития рекреации и туризма на основе территориальной организации, комплексной оценки. Важным в этом отношении является оценка природных, экономико-социальных и географических условий в рекреационных и туристических целях, определение ее видов, разработка мероприятий по районированию, повышению и развитию рекреационно-туристических возможностей.

В республике поэтапно реализуются комплексные меры по развитию сферы рекреации и туризма как одной из стратегических отраслей, обеспечивающих ускоренное развитие регионов, создание новых рабочих мест, повышение доходов и уровня жизни населения, повышение инвестиционной привлекательности страны. Целью 35 Новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы в рамках программы «Путешествуйте по Узбекистану» предусмотрено увеличение числа местных туристов до 12 миллионов человек и доведение числа иностранных туристов, посещающих республику до 9 миллионов человек². Она направлена на повышение эффективности проводимых реформ по созданию благоприятных экономических условий и факторов, определение приоритетных целей и задач по ускоренному развитию сферы туризма, повышение ее роли и доли в экономике, диверсификацию и повышение качества услуг, совершенствование инфраструктуры туризма. В настоящее время важное значение приобретают научные исследования, направленные на налаживание использования имеющихся в Республике возможностей в рекреационных и туристических целях.

¹Информация Всемирного совета по путешествиям и туризму (ВСПТ).
<https://wttc.org/Research/EconomicImpact>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60.

Данная исследовательская работа в определенной степени послужит для реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2018 года № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», от 5 января 2019 года № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан», Постановление от 7 февраля 2018 года № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма», а также Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 17 сентября 2020 года № 559 «О дополнительных мерах по развитию инфраструктуры туризма в горных районах», Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан на 2019-2025 годы (Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 5 января 2019 года № УП-5611), Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы (Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60), а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научно-методические основы географического изучения и развития рекреации и туризма, критерии оценки широко освещены в исследованиях ученых зарубежных стран и СНГ Н.Робинсон (1976), N.Leiper (1979, 1992), D.Getz (1986), S.Williams (1998, 2009), С.М.Халл, S.J.Пейдж (2002), Charles R.Goeldner, J.R.BrentRitchie (2009), Robert W.Wyllie (2011), R.W.Butler (2011), В.С.Преображенского (1972, 1975, 1986), Д.Л.Арманда (1975), Ю.А.Веденина (1982), Н.С.Мироненко (1981, 1998, 2006), Л.И.Мухиной (1973), Н.А.Даниловой (1988), К.Жумашева (1990), А.Г.Низамиева (1998), С.Р.Ердавлетова (2000), Л.Ю.Мажара (2008, 2009), В.И.Кружалина, Н.С.Мироненко, Н.В.Зигерн-Корна, Н.В.Шабалиной (2014) и других ученых. В то же время по некоторым вопросам туризма в нашей республике занимались такие исследователи, как А.С.Солиев, Х.Вахобов, А.Н.Нигматов, Н.Тухлиев, Ф.Комилова, Н.К.Комилова, С.Б.Аббасов, А.Абулкосимов, К.М.Боймирзаев, Б.Ш.Сафаров, Ю.И.Ахмадалиев, М.Р.Усмонов, Н.Э.Ибадуллаев, К.С.Ярашев, О.И.Абдуганиев.

